

# **ЭСКИ ТУРКИЙ АДАБИЙ ТИЛИДА ЯРАТИЛГАН ЛЕКСИКОГРАФИК МАНБАЛАРДА ДЕҲҚОНЧИЛИККА ОИД АТАМАЛАРНИНГ БЕРИЛИШИ**

**Азиз АМИНИ**

ўқитувчи

Термиз давлат университети

Термиз, Ўзбекистон

[azizamini126@gmail.com](mailto:azizamini126@gmail.com)

## **Аннотация**

Мақолада эски туркий адабий тилида яратилган лексикографик манбаларда дехқончиликка оид атамалар юзасидан маълумотлар берилб, уларнинг ҳозирги нутқимизда қўлланиши бўйича фикр-мулоҳазалар ёритилади.

**Таянч сўзлар:** амач, ариқ, этук, эски туркий тил, дехқон, дон, экин, сув тушунчаларини ифодаловчи бирликлар.

## **ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ТЕРМИНОВ В ЛЕКСИКОГРАФИЧЕСКИХ ИСТОЧНИКАХ, СОЗДАННЫХ НА СТАРОТУРЕЦКОМ ЛИТЕРАТУРНОМ ЯЗЫКЕ**

**Азиз АМИНИ**

Преподаватель

Термезский государственный университет

Термез, Узбекистан

[azizamini126@gmail.com](mailto:azizamini126@gmail.com)

## **Аннотация**

В данной статье приводятся сведения о терминах, связанных с земледелием в лексикографических источниках, созданных на старотурецком литературном языке, и даны мнения об их употреблении в нашей современной речи.

**Ключевые слова:** плуг, канава, сапог, древнетюркский язык, единицы, обозначающие понятия земледелец, зерно, урожай, вода.

Эски туркий адабий тилида яратилган лексикографик манбалар деганимизда: «Сайдана», «Аттухфа», «Девони луғотит турк» асарлари кўз олдимизга келади. Ушбу ноёб китобларда дехқончиликка алоқадор лексемаларни кўплаб кузатиш мумкин. Қомусий олим Абу Райхон Беруний «Китоб ас-сайдана фит-тиб» асарида 1116 тур дориворни тавсифлайди. Шундан

750 тури ўсимликлардан, 101 тури ҳайвонлардан, 255 тури эса минераллардан иборатдир. Демак мазкур асарда дәхқончиликка алоқадор күплаб атамалар жой олган десак, муболаға бўлмайди.

С.М.Муталибов таржимонлигидаги «Аттухфатуз закияту фил-луғатит туркия» (Туркий тил (қипчоқ тили) ҳақида ноёб тухфа) асари, туркий забон халқларнинг ноёб дурдоналаридан бири ҳисобланади. Асарда туркий тилга оид күплаб сўзларни учратиш мумкин. У, жумладан, дәхқончилик билан боғлиқ 100 дан зиёд лексемаларга ҳам тўхталган.

Махмуд Кошғарийнинг — “Девони луғотит турк” асари қомусий асарлар сирасига киради. Буюк тилшунос олимнинг ушбу асари Қораҳонийлар даврининг ноёб дурдонаси ҳисобланади. У ўлмас обидалардандир. Унинг ўзига хос тили, адабиёти, тарихи, тиббиёти, этнографияси, географияси, астрономияси бўлиб, қомусий билимларни қамраб олади. Ушбу асар ўз даври учун бениҳоя катта воқеа бўлгани каби, туркология соҳасида ҳам дастлабки манба бўлди.

Махмуд Кошғарий туркология фанининг дастлабки устози бўлди, туркологиянинг маҳсус фан сифатида ривожланишига асос солди. Шунинг учун ҳам у аллақачонлар жаҳон миқёсида буюк олим сифатида танилди. Туркологлар, адабиётшунослар, тарихчилар, археологлар ҳануз унга улуғ устоз сифатида чуқур хурмат билан ёндашадилар, асосланадилар. Афсуски, бу улуғ олимнинг муҳим асари ҳанузгacha жамоатчилик назаридан четда қолиб кетган ва жиддий ўрганилмаган. Ана шу давр тилида маълум меъёрларни яратишга эҳтиёж пайдо бўлади. Шу эҳтиёж М.Кошғарийни «Девони луғотит турк» асарини ёзишга даъват этди. Бу асар туркологиянинг дастлабки намунаси сифатида ўша давр маданий ҳаётида ва тилшунослик тарихида алоҳида сахифа очди. Унда юқорида кетирилган асарлардаги дәхқончиликка оид

маҳсулотларнинг номлари, мазкур соҳага оид нарса – буюмларнинг қандай айтилишлари тўпланди.

**Амач** – омоч, омоч-бўюонтириқ; дехқончилик асбоблари.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида омоч шаклида ишлатилади. Мазкур лексеманинг «Девони луготит турк»да берилиши билан ҳозирги кундаги талаффузи иккита о унлиси билан фарқланади, яъни, «Девони луготит турк»да “амач” деб ишлатилса, ҳозирги ўзбек адабий тилида “омоч” шакли мавжуд. Шимолий Афғонистон ўзбек дехқонлари нутқида эса “амоч” деб талаффуз килинади.

**Ариқ** – ариқ; наҳар; бу сўз шу мақолда ҳам келган: ағилда ўғлок тугса, ариқда оти ўнёр – молхонада бузоқ туғилса, ариқда ўт чиқади. Бу мақол овқат ёки ризқ учун ортиқча уриниш ва қайғуриш керак эмаслигини англатиш учун айтилади. Бу лексема ҳозирги кунда ҳам иккала томон ўзбеклари ўртасида айна «арик» шаклида ишлатилади.

**Этук** – этик. «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да «болдирини бекитиб турадиган узун кўнжли, пошнали пойабзал» деб изоҳланади. Мазкур атаманинг «Девони луготит турк»даги ёзилиши, талаффузи билан ҳозирги кундагиси ўртасида айрим фарқларни қузатиш мумкин. Ушбу лексеманинг ҳозирги кунда иккала томон ўзбеклари нутқида ҳам «этик» шакли мавжуд. Аммо шимолий Афғонистон ўзбеклари нутқида мазкур атаманинг «мўза» шаклидан ҳам кенг фойдаланилади.

**Сабан** – қўш, қўш хўқиз, омоч, буйинтуруқ. Бу сўз қўш билан ер ҳайдаш маъносида ҳам қўлланилди. Мақолда шундай келган:

Сабанда сандириш болса,

Ортўгўнда ирташ болмас:

Ер хайдаш вақтида пухталик бўлса, хирмонда англашилмовчилик бўлмайди. «Сабан» лексемаси, ҳозирги кунда шимолий Афғонистон ва Ўзбекистон ўзбек дехқонлари нутқида ишлатилмайди.

**Кол** (кал) арабчада асбах – шўрхок экинзор ер. Мазкур лексема ҳозирги кунда шимолий Афғонистонда истиқомат қилувчи айrim ўзбек дехқонлари нутқида «кал ер» шаклида фаол ишлатилади, экин ўсмайдиган ерга нисбатан қўлланилади.

**Жабан** (ёбон) арабчаси баря – кам сув, кам ўт жой. Бу атама айни пайтда шимолий Афғонистон ва Ўзбекистон ўзбек дехқонлари учун эскирган сўз ҳисобланади, кундалик мулоқотда ишлатилмайди.

**Суган** (сугон) – пиёз. Ушбу лексема ҳозирги кунда шимолий Афғонистонда истиқомат қилувчи ўзбек дехқонлари нутқида учрамайди. Мазкур атама ўрнида «пиёз» атамаси қўлланади.

**Ургулук** арабчада базр – уруғ тухум. Мазкур лексема ҳозирги кунда шимолий Афғонистон ўзбеклари нутқида фаол ишлатилмасада, айrim дехқонлар нутқида кузатиш мумкин. Расмий хужжатларда ёзилаётганда эса «базр» шакли ишлатилади.

**Тара** (торо) арабчада бақо – сабза, қўкат. Тара лексемаси шимолий Афғонистон ўзбек дехқонлари нутқида ишлатилмайди. Ҳозирги кунда эскирган сўзлар сирасига киради.

**Таман** (томон) арабчада бойтуза – жувалдиз. Бу лексема ҳозирги кунда шимолий Афғонистон ва Ўзбекистонда истиқомат қилувчи ўзбеклар нутқида ишлатилмайди. Асосан, мазкур атама ўрнида «жуволдиз» атамасидан кенг фойдаланилади.

**Кавук** (Ковок) арабчада табан – туркманлар буни «самон» дейдилар. Шимолий Афғонистонда кавук лексимаси ўрнида «самон» (сомон) атамаси кенг қўлланилади.

**Шувал** (шувол) – қоп. Шувал лексемаси шимолий Афғонистон ўзбеклари нутқида бундан бир неча йиллар олдин кенг ишлатилган бўлса, ҳозирги кунда эскирган сўзлар қаторидан жой олган. Мазкур предметни ифодалаш учун «қоп», «бўжи», «жиппа» атамаларидан фойдаланилади.

**Энжир** (анжир) арабчада тен. «Энжир» сўзи шимолий Афғонистон ўзбеклари нутқида, «анжир» тарзида талаффуз қилинади, *a* ва э унлилари билан бир-биридан фарқланади.

**Хурмо** арабчада таҳар. Мазкур лексема ҳозирги кунда ҳам шимолий Афғонистон ва Ўзбекистон ўзбеклари нутқида фаол ишлатилади.

**Алма** (алмо) – олма, арабчада таол. «Алма» лексемаси шимолий Афғонистон ўзбеклари нутқида ҳозирги кунда ҳам худди шу шаклда ишлатилади. Ўзбекистон ўзбеклари нутқида эса «олма» шаклида талаффуз қилинади.

**Кашур** (кошур) – сабзи. Шимолий Афғонистон ўзбеклари нутқида «кашур» лексемаси «кашр» шаклида ишлатилади. Лекин асосан, мазкур атама ўрнида «заржама» сўзидан кенг фойдаланилади.

**Қуру** – қурғоқчилик. «Қуру» лексемаси шимолий Афғонистонда истиқомат қилувчи қипчоқ лаҳжаси вакиллари нутқида кенг қўлланилади. Қарлуқ лаҳжасида сўзлашадиган аҳоли нутқида эса асосан «қуруқ», «қуруқчилик» шаклида қўлланилади.

**Сабанчи** (собонжи) – дехқон. «Сабанчи» лексемаси шимолий Афғонистонда истиқомат қилувчи ўзбеклар нутқида ишлатилмайди, ушбу атама ўрнида «чакбоши», «дехқон» каби сўзлардан фойдаланилади.

**Нокут** – нўхат. Мазкур атама шимолий Афғонистон ўзбеклари нутқида учрамайди. «Нухут» лексимаси ушбу сўз ўрнида ишлатилади.

**Авлақ** (авлоқ) – сув омбори. «Авлоқ» лексемаси шимолий Афғонистон ўзбек дехқонлари ўртасида ишлатилмайди. Бу атама эскирган сўзлар қаторидан жой олган, айни пайтда нутқда учрамайди.

**Кўрак** (корак) – курак. Мазкур лексема ҳорзирги кунда шимолий Афғонистон ва Ўзбекистон ўзбек дехқонлари нутқида фаол қўлланилади. Бирок, у унлиси билан бири-биридан фарқланади. Яъни, олдинлари «кўрак», «корак» шалида талаффуз қилинган бўлса, ҳозирги кунда «курак» деб ишлатилади.

**Сапанди** (собонди) – омочни юритди. «Сапанди» атамаси ҳозирги кунда шимолий Афғонистон ва Ўзбекистонда истиқомат қилувчи ўзбек дехқонлари нутқида учрамайди.

**Марул** (морул) – бир хил ўсимлик. Мазкур лексема айни пайтда шимолий Афғонистон ва Ўзбекистон ўзбек дехқонлари нутқида учрамайди. Бу атама эскирган сўзлар қаторидан жой олган.

**Шафтоли** (шофтоли). «Шафтоли» атамаси ҳозирги кунда ҳам шимолий Афғонистон ва Ўзбекистон ўзбеклари нутқида фаол қўлланиб келинмоқда.

**Шиман** (шимон) – чаман, кўкатзор. Шимолий Афғонистон ва Ўзбекистон ўзбек дехқонлари нутқида «шиман» лексемаси ўрнида «чаман» атамаси фаол ишлатилади.

**Тари** (тори) – тариқ. Тари лексемаси шимолий Афғонистон ва Ўзбекистонда истиқомат қилувчи қипчоқ лаҳжасида сўзлашувчилар нутқида фаол қўлланиб келинмоқда.

**Экин** – экин. Мазкур атама ҳозирги кунда шимолий Афғонистон ва Ўзбекистонда истиқомат қилувчи ўзбек дехқонлари нутқида фаол қўлланилади.

**Чавурчи** (човурчи) – чориқ тикувчи. «Чавурчи» лексемаси ҳозирги кунда шимолий Афғонистон ва Ўзбекистон ўзбеклари нутқида ишлатилмайди. Мазкур атама эскирган сўзлар қаторига киради. «Чавурчи» лексемаси ўрнида: «этиқдўз», «бутдўз», «пинадўз», «мўчи» каби муқобилларидан кенг фойдаланилади.

**Жузум** (юзум) – узум. Шимолий Афғонистон ва Ўзбекистонда яшовчи қипчоқ лаҳжасига мансуб аҳоли нутқида «жузум» шакли ишлатилса, қарлук лаҳжаси вакиллари нутқида «узум» муқобилидан фойдаланилади.

**Баттуқ** (ботуқ) – сувчи. Баттуқ лексемаси ҳозирги кунда шимолий Афғонистон ва Ўзбекистонда истиқомат қилувчи ўзбек дехқонлари нутқида учрамайди. Ушбу атама эскирган сўзлар қаторидан жой олган бўлиб, «сувчи» сўзи синоними сифатида ишлатилади.

**Шувал** (шувол) – қоп. Мазкур атама ҳозирги кунда шимолий Афғонистон ўзбеклари нутқида фаол ишлатилмайди. Чекка худудларда яшовчи халқлар нутқидагина кузатиш мумкин. Ушбу атама ўрнида асосан «қоп» шакли кенг тарқалган.

Эски туркий адабий тилида яратилган лексикографик манбаларда дехқончиликка оид атамаларнинг ўрганилганлигини бевосита кузатиш мумкин. Жумладан, «Сайдана», «Аттуҳфа», «Девони луготит турк» асарларида дехқончилик билан боғлиқ кўплаб лексемалар учрайди. Мазкур ноёб асарларда

изоҳланган бирликларнинг айримлари нутқимизда фаол ишлатилса да, кўп қисми айни вақтда нутқимизда учрамаслигига гувоҳ бўлдик. "Девони луготит турк"даги айрим сўзлар ҳали ҳам шеваларда сақланаётганлиги қуонарли ҳол, албатта. Уларнинг қўлланилиш даражаси ўрганилиб, адабий меъёр сифатида қабул қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Афсуски, ўзбек тилимиз анча тузатилиш ва тўлдиришларга муҳтож. Чет тилидан ўзлашадиган лексемаларнинг қўпгина қисми ўз ҳолича истеъмолга киритилмоқда. Агар "Девони луготит турк", "Муҳокамат ул-лугатайн", "Қутадғу билиг", "Сарф" каби аждодларимиз томонидан ёзиб қолдирилган асарларни чукур ўргансак, ўзлашма лексемаларнинг албатта, ўзбекча муқобилларини топамиз. Фақатгина тўхтовсиз ҳаракат, чидамлилик ва эътибор ўзбек тилини Навоий давридагидек туркий тиллар гултоҷига айлантира олади. Биз, бўлажак тилшунослар бу борада олдимизга қўйган мақсад сари илдам қадам ташлаб, ўзбек тилининг дунё тиллари миқёсида ўз ўрнига эга бўлишига муносиб ҳисса қўшишга астойдил ҳаракат қиласиз.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Amini A. SHimoliy Afg'oniston o 'zbeklari nutqidagi dehqonchilikka oid harakat fellarini ifodalovchi birliklar // Integration of science, education and practice. scientific-methodical journal 4.1 (2023): 9-15.
2. Ahmad, Amini Aziz. SHimoliy Afgoniston ozbeklari nutqida dehqonchilik asboblari nomlari va ularning lisoniy talqini //Science and innovation 1.B2 (2022): 485-490.
3. Davidov Y.J. Ko‘p ma’nolilik hodisasining yuzaga kelish yo’llari //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. B2. – С. 500-503.

4. Nazarov Z. Pirimqul Qodirovning “Yulduzli tunlar” romanida o‘zlashgan qatlam so ‘zlarning qo ‘llanilishi //Eurasian Journal of Academic Research. – 2022. – Т. 2. – №. 13. – С. 840-844.
5. Нурфайзиева Д.О. Нусские немцы. история и миграция //Актуальные научные исследования в современном мире? 2020. – №. 11-6. – С. 48-51.
6. Suvanov H. "Eshmonbek" qissasida milliy ruh talqini // Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali (2022): 126-131.
7. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдлик. 5 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.
8. Аттуҳфатуз закияту филлугатит Туркия /нашрга тайёрловчи С.Муталибов. – Тошкент: Фан, 1968. – 279 б.
9. Nurulloh Oltoy. O`zbek tili so`zligi. – Afg`oniston-Javzijon: 2007.
10. Ahmad, Amini Aziz. The Interpretation of Agricultural Words in" Baburnama // Journa INX 7.12 (2021): 116-118.
11. Nurfayzieva D.O. Über die Klassifizierung von Entleihungen in der Germanistik //Экономика и социум. – 2020. – №. 2. – С. 516-521.
12. Eshmuminov A. Progressive development of corporate linguistics in the world and Uzbek linguistics //International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. – 2021. – Т. 10. – №. 102. – С. 439-442.
13. Davidov Y. J. Word formation patterns in uzbek language //International Conference on Agriculture Sciences, Environment, Urban and Rural Development. – 2021. – С. 16-21.